

Аллоҳнинг аҳдини ва қасамларини озгина баҳога сотадиганлар | Сийрат дарслари (305-дарс)



19:00 / 01 ноябрь 90

525. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қасамлари **«Лаа ва Муқаллибал қулуби»** эди».

Бухорий ривоят қилган.

«Лаа ва Муқаллибал қулуби» - «Йўқ, қалбларни айлантриб турувчи Зот ила қасам» дегани.

526. Жухайналик аёл Қутайла розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бир яҳудий келиб: «Сизлар тенгдош қиласизлар, сизлар ширк келтирасизлар, «Машааллоҳу ва шеъта» дейсизлар, «Вал Каъбати» дейсизлар», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга (саҳобаларга) қачон онт ичмоқчи бўлишса: «Ва Роббил Каъбати!» дейишни ва «Машааллоҳу, сумма шеъта» дейишни амр қилдилар».

Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Машааллоҳу ва шеъта» - Аллоҳ ва сен истасанг.

«Вал Каъбати» - Каъба билан қасам.

«Ва Роббил Каъбати!» - Каъбанинг Робби ила қасам.

«Машааллоҳу, сумма шеъта» - Аллоҳ ва сўнгра сен истасанг.

527. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умарнинг бир гуруҳ отлиқлар ичида отаси ила қасам ичаётганини билиб қолдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: **«Огоҳ бўлинглар! Аллоҳ сизларни оталарингиз ила қасам ичишдан қайтаради! Ким қасам ичадиган бўлса, Аллоҳ ила қасам ичсин, бўлмаса, жим турсин»**, деб нидо қилдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

528. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир мусулмон кишининг молини ноҳақ равишда олиш учун қасам ичса, Аллоҳга рўбарў бўлганда У зот ундан ғазабланган ҳолда бўлади»**, дедилар.

Абдуллоҳ айтади: «Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ўшанинг тасдиғини Аллоҳнинг Китобидан қироат қилдилар: «Албатта, Аллоҳнинг аҳдини ва қасамларини озгина баҳога сотадиганларга, ана ўшаларга, охиратда асло насиба йўқдир».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Сўнгра Ашъас ибн Қайс олдимизга чиқди ва: «Абу Абдурроҳман сизларга нимани айтиб беряпти?» деди. Биз унга айтдик. Шунда у: «Рост айтибди. Аллоҳга қасамки, бу мен ҳақимда нозил бўлган. Мен билан бир киши орамизда қудуқ бўйича хусумат бор эди. Талашиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордик. Шунда Расулуллоҳ: **«Сенинг икки гувоҳинг ёки унинг қасами»**, дедилар. «Агар бундай бўлса, у қасам ичаверади, парво қилмайди», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир молга эришиш учун ёлғон қасам ичса, Аллоҳга рўбарў бўлганда У зот ундан ғазабланган ҳолда бўлади»**, дедилар. Сўнг Аллоҳ бунинг тасдиғини нозил қилди. Сўнгра ушбу оятни қироат қилди: «Албатта,

Аллоҳнинг аҳдини ва қасамларини озгина баҳога сотадиганларга...»

Бухорий ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.